

**ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.06.2020.Т.115.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**«ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ» АЖ**

**САБИРОВ ИСЛОМ КАХРАМОНОВИЧ**

**ПАХТАНИНГ САМАРАЛИ АРРАЛИ ЖИНЛАШ ЖАРАЁНИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.06.02 – «Тўқимачилик материаллари технологияси ва хом ашёга дастлабки ишлов  
бериш»**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on technical sciences**

**Сабилов Ислон Кахрамонович**

Пахтанинг самарали аррали жинлаш жараёнини ишлаб  
чиқиш..... 3

**Сабилов Ислон Кахрамонович**

Разработка эффективного процесса пильного дженирования  
хлопка-сырца..... 21

**Sabirov Islom Kakhramonovich**

Development of an effective process of saw gining of raw  
cotton..... 42

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 44

**ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.06.2020.Т.115.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**«ПАХТАСANOAT ИЛМИЙ МАРКАЗИ» АЖ**

**САБИРОВ ИСЛОМ КАХРАМОНОВИЧ**

**ПАХТАНИНГ САМАРАЛИ АРРАЛИ ЖИНЛАШ ЖАРАЁНИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

– «Тўқимачилик материаллари технологияси ва хом ашёга дастлабки ишловбериш»

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/T1346 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация «Paxtasanoat ilmiy markazi» АЖда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Жиззах политехника институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.jizpi.uz](http://www.jizpi.uz)) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сулаймонов Рустам Шенникович  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Мухаммадиев Давлат Мустафаевич  
техника фанлари доктори, профессор

Дониёров Бектош Баходирович  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик технология  
институти

Диссертация ҳимояси Жиззах политехника институти ҳузуридаги PhD.03/30.06.2020. Т.115.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «15» июл соат 10-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 130100, Жиззах ш., И.Каримов шоҳ кўчаси-4. Тел: (372) 226-46-05, факс: (372) 226-45-47; e-mail: [dgpi\\_info@edu.uz](mailto:dgpi_info@edu.uz).) Жиззах политехника институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали.

Диссертация билан Жиззах политехника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 3 - рақам билан рўйхатга олинган).

Манзил: 130100, Жиззах ш., И. Каримов шоҳ кўчаси-4. тел: (372) 226-46-05, (372) 226-45-47

Диссертация автореферати 2021 йил «29» 06 куни тарқатилди.

(2021 йил «18» 06 даги 3 - рақамли реестр баённомаси.)



А.Усманкулов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

И.Аббазов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, т.ф.ф.д.(PhD), доцент

А.Паршев  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати:** Жаҳонда тўқимачилик саноати учун асосий хомашё пахта толаси учун энергия-ресурстежамкор технология ва техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида 23,0 млн. тоннага яқин пахта толаси ишлаб чиқарилаётган бўлиб, унинг талаби эса 24,6 млн. тоннани ташкил этишини ҳисобга олсак<sup>1</sup>, етиштирилган пахта хом ашёсидан сифатли тола ажратиб оладиган машиналарни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан тола ишлаб чиқаришда сифати юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор техника воситалари ва қурилмаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда жинлаш жараёнида толани ажратиб олиш учун ресурстежамкор технологиялар ва техника воситаларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, толани ажратиб олишни амалга оширадиган энергия-ресурстежамкор машинани ишлаб чиқиш ҳамда унинг технологик жараёни, параметрлари ва иш режимларини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда толани ажратиш жараёнида энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, тола йўқолишини камайтириш имконини берадиган ресурстежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга ошириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш, энергия ва ресурс харажатларини камайтириш ҳамда энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, тола ишлаб чиқариш жараёнида тола йўқолишини камайтирадиган, техник ва технологик жиҳатдан модернизациялашган машиналарни яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 23 февралдаги ПҚ-3559-сон «Пахтасаноат ilmiy markazi» АЖ фаолиятини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги 397-сон «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори

<sup>1</sup> Cotton: WorldStatistics. <https://www.statista.com>; <http://www.ICAC.org>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

хамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотларнинг республика фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги:** Мазкур диссертация республикада фан ва технологияларни ривожланишининг II. «Энергетика, энерго-ресурстежамкорлик» устувор йўналишларига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Eli Uithney, Hodjin Holms, E.Lord, B.Carlos, W.Stanley ва бошқа хорижий олимлар томонидан аррали жинлаш жараёнларини такомиллаштириш орқали маҳсулот сифатини яхшилаш, аррали жинлаш технологиясини модернизациялаш, ресурс тежаш, ишчи органларини такомиллаштириш бўйича бир қатор тадқиқотларни амалга оширилган.

Аррали жинлаш жараёнларини такомиллаштиришда, аррали жиннинг асосий ишчи органлари параметрларини асослаш, пахтани аррали жинлаш технологиясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ фундаментал ва амалий муаммоларни ечиш Республикамиз олимларидан Б.А. Левкович, Б.И. Рогонов, А.В. Взенконский, Г.И. Больдинский, П.В. Байдюк, Н.Г. Гулидов, Н.А. Шемшурин, В.С. Кан, Д.А. Котов, Г.И. Мирошниченко, П.Н. Тютин, С.Н. Нусратов, Т.С. Саидходжаев, И.Т. Максудов, А.П. Парпиев, Р.М. Каттаходжаев, Б.М. Мардонов, А.Д. Джураев, К.С. Сабиров, Д.М. Мухаммадиев, Р.Ш. Сулаймонов ва бошқалар томонидан бир қатор ишлар олиб борилган.

Лекин бугунги кунга қадар иш унумдорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш, унинг таннархини камайтириш, жинни ишлатиш ва таъмирлашни енгиллаштириш билан бирлик қувватини тола ишлаб чиқариш бўйича ошириш муаммоси ҳали Ўзбекистон ва хорижда тўлиқ ҳал этилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги:** Диссертация тадқиқоти «Пахтасаноат илмий маркази» АЖ нинг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ №ИД-1-4 «Пахта хам ашёсини икки босқичли жинлашнинг самарадор технологиясини, йигирувга яроқли қўшимча тола олиш технологиясини ўзлаштириш, ишлаб чиқаришга қўллаш» мавзусидаги инновацион лойиҳа бўйича бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** ишлатиш ва таъмирлашни осонлаштириш, иш унумдорлиги ва маҳсулот сифатини оширишни таъминловчи такомиллаштирилган аррали жин конструкциясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

аррали жинларнинг асосий ишчи қисмларини такомиллаштириш бўйича тўпланган тажриба маълумотларини асослаш;

аррали жинларда хом ашё валигининг алоҳида қисмлари ҳаракатини назарий тадқиқ этиш;

аррали жинларда хом ашё валигини зоналар бўйича тақсимланишининг математик модели ва ҳисоблаш схемасини тузиш;

аррали жинларнинг асосий ишчи элементларини оптимал кўрсаткичларини тадқиқ қилиш;

такомиллаштирилган аррали жиннинг оптимал кўрсаткичлари ва жинлаш режимларида ишлаб чиқариш характеристикасини таҳлил қилиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида аррали жинлашда техника ва технология олинган.

**Тадқиқот предмети:** аррали жинлашни технологик жараёни ва уни самарали амалга оширишда техник воситалар.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида назарий ва амалий механика, механизм ва машиналар назарияси, олий математика, технологик машиналар иш жараёнларини математик моделлаштириш, математик статистика, замонавий компьютер технологияси ва ҳисоблаш математикаси усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

-хом ашё валигининг бурчак тезлиги динамикасини аниқлаш бўйича математик модел ва масалани ечишни алгоритмлари ишлаб чиқиши ҳисобига, аррали жинларнинг ишчи камерасининг узунлиги бўйича хом ашё валиги қисмларининг зичликлари аниқланган;

-жин ускунасининг юқори иш унумдорлигида ишлашни таъминловчи аррали цилиндр ва ҳаво тўйниги орасидаги масофани керакли қийматда ушлаб турувчи валдаги арралар сони аниқланган;

-ишчи камера ва аррали цилиндрларни геометрик кўрсаткичлари билан пахтани жинлашни технологик режимлари ўртасидаги боғланишни регрессия тенгламалари ишлаб чиқилган;

-такомиллаштирилган конструкцияли аррали жин ишлаб чиқилган, унинг конструкцион ҳамда технологик катталиклари аниқланган ва Ўзбекистон Республикасининг № FAP 00225 рақамли фойдали моделига патент олинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

юқори самарадорли, икки цилиндрли, чигитни шикастланишини камайтирадиган ва толадаги синиқ чигит ҳамда чигит қобиқлари камайдиган аррали жин қурилмасини ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган аррали жин қурилмасида кейин толадаги нуқсон ва ифлос аралашмаларнинг массавий улушини камайтириш, чигитлардаги қолдиқ тукдорликни камайтириш ва чигитда камроқ йигирув толалари қолишини олдини оганлиги аниқланди;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги аррали жин бўйича олинган хулосалар ва тавсиялар, тажриба синовларини лаборатория ва пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқариш шароитида ўтказилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро мослиги, уларни маълум баҳолаш меъзонлари бўйича адекватлиги, апробация ва жорий қилиш, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва уларни кўриб чиқиладиган фан соҳасидаги маълумотларни қиёсий таҳлили билан асосланди.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти алгоритмик жараёнларни ишлаб чиқишда хомашё валиги қисмлари бўйича бурчак тезликнинг ўзгаришини хомашё валиги узунлиги бўйича зичликни ўзгаришига боғлиқлиги, 90 ва 130 аррали жинларда хомашё валигини қисмлар бўйича ҳаракати қонуниятлари аналитик усулда олинганлиги, бир хил диаметрли аррага эга бўлган аррали цилиндрларнинг бир хил тезликда айланишида 90 аррали жин хомашё валигининг тезлиги 130 аррали жин хомашё валиги тезлигига қараганда  $2,0-2,2 \text{ s}^{-1}$  га юқори эканлиги назарий томондан аниқланганлиги билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тола ва чигит сифатини яхшиланишини, тасодиқий тўхташлар камайишини ҳамда иш унумдорликни ошишини таъминлайдиган икки цилиндрли аррали жинни янги конструкциясини ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тавсияларни ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пахта тозалаш корхоналарида пахтани аррали жинлашда самарадорлиги юқори бўлган ускуналарни яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Икки цилиндрли ДПЗ-180 русумли аррали жин ускунасини Республикамиздаги машинасозлик корхоналарида серияда ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилиб, «Ўзпахтасаноат» АЖ тасарруфидаги Хўжайли, Беруний, Тўртқўл, Пешку, Норин, Гулбоғ, Навбахор, Хатирчи, Қумқўрғон, Пахтаобод, Сайхунобод, Далварзин ва Янгиариқ пахта тозалаш корхоналарига жорий қилинган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2019 йил 19 декабрдаги 03-18/7397-сон маълумотномаси).

Натижада пахтани биринчи саноат навини дастлабки ишлашда ДПЗ-180 русумли аррали жиннинг иш унумдорлиги  $12.2 \text{ kg/saw/h}$  ёки машинага ҳисоблаганда  $2196 \text{ kg/mash/h}$  тола, 5ДП-130 русумли жинда эса бу кўрсаткичлар мос равишда  $11.2 \text{ kg/saw/h}$  ва  $1456 \text{ kg/mash/h}$  ни ташкил этади.

Толалар навлари бўйича нуқсонлар ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши ўртача  $0.43\%$  ва жинланган чигитнинг қолдиқ тукдорлик  $0.2\%$  ДПЗ-180 да 5ДП-130 га нисбатан камаяди, лекин ДПЗ-180 да 5ДП-130 га нисбатан олинадиган толанинг штапелмассаузунлиги  $0,1-0,5 \text{ mm}$  га узунроқ эканлиги аниқланди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий натижалари 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий конференцияларида, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти “Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси” кафералараро кенгайтирилган семинарларида, «Рахтасаноат ilmiy markazi» АЖ ва Жиззах политехника институти семинарларида муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган



илмий нашрларда 5 та мақола нашр этилган, шулардан 3 та мақола Республика ва 2 та мақола чет эл журналларида чоп этилиб, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк Агентлигининг фойдали моделига 1 та патент олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, маълумотномалар ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 109 бетдан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари ҳамда тадқиқотнинг объект ва предмети белгиланган. Унда тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий ва амалий янгилиги, диссертация ишининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқотларнинг ишлаб чиқаришга жорий этиш натижалари, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **“Пахтани аррали жинлашни техника ва технологияларини аналитик таҳлили”** номли боби адабий манбаларнинг таҳлилий шарҳига ва ўрта толали пахта хом ашёсини жинлаш техника ва технологиясининг ҳозирги ҳолатига бағишланган. Ушбу бобда пахтани арралли жинлаш учун технология ва техника воситаларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи **“Аррали жинларида хом ашё валигининг алоҳида қисмлари ҳаракатини назарий тадқиқоти”** номли бобида жиннинг технологик жараёни ва аррали жинларда хом ашё валигининг алоҳида қисмлари ҳаракатини назарий ўрганиш натижалари келтирилган.

Маълумки, аррали цилиндрдаги хом ашё валигининг зичлиги ортиши билан тола чиқиши ортади. Хом ашё валиги зичлигининг ўта даражада ортиши эса чиқаётган тола ва чигитларнинг шикастланишига олиб келади. Умуман олганда, хом ашё валиги марказидаги зичлик четдагилардагига нисбатан кам бўлиб, хом ашё валиги ўқидан масофа ортгани сайин, унинг зичлиги мос равишда ортади. Бунга сабаб хом ашё валигининг камера деворларига нисбатан катта ишқаланиш кучининг яратилишидир. Шунинг учун хом ашё валигининг бутун узунлиги бўйича барқарор зичлик тақсимотини яратиш муҳим масала ҳисобланади.

Хом ашё валиги зичлигининг бутун узунлиги бўйлаб бир текис тақсимланиши жиннинг барқарор ишлашини таъминлайди ва тола ҳамда чигитларнинг чиқишини оширади.

Шартли равишда биз жин камерасини зоналарга ажратдик ва ҳар бир зонанинг кенглигини ўнта арра кенглигига тенг деб қабул қилдик. Масалан, ўнта аррани бир зона деб ҳисоблаганимида, 5ДП-130 нинг камерасида 13 та зона ва ДПЗ-180 жинида 9 та зона ҳосил бўлади (1-расм).

	$M_{21}, M_{21}$	$M_{12}, M_{32}$	$M_{23}, M_{43}$	$M_{34}, M_{54}$	$M_{45}, M_{65}$	$M_{56}, M_{76}$	$M_{67}, M_{87}$	$M_{78}, M_{98}$	$M_{89}, M_{109}$	$M_{910}, M_{1110}$	$M_{1011}, M_{1211}$	$M_{1112}, M_{1312}$	$M_{1213}, M_{1313}$
0													0
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
	$M_1, \varphi_1$	$M_2, \varphi_2$	$M_3, \varphi_3$	$M_4, \varphi_4$	$M_5, \varphi_5$	$M_6, \varphi_6$	$M_7, \varphi_7$	$M_8, \varphi_8$	$M_9, \varphi_9$	$M_{10}, \varphi_{10}$	$M_{11}, \varphi_{11}$	$M_{12}, \varphi_{12}$	$M_{13}, \varphi_{13}$

а)

	$M'_{01}, M'_{21}$	$M'_{12}, M'_{32}$	$M'_{23}, M'_{43}$	$M'_{34}, M'_{54}$	$M'_{45}, M'_{65}$	$M'_{56}, M'_{76}$	$M'_{67}, M'_{87}$	$M'_{78}, M'_{98}$	$M'_{89}, M'_{109}$	
0										0
	1'	2'	3'	4'	5	6'	7	8	9'	
	$M'_{01}, \varphi'_1$	$M'_2, \varphi'_2$	$M'_3, \varphi'_3$	$M'_4, \varphi'_4$	$M'_5, \varphi'_5$	$M'_6, \varphi'_6$	$M'_7, \varphi'_7$	$M'_8, \varphi'_8$	$M'_9, \varphi'_9$	

б)

а). 5ДП-130 русумли аррали жин учун, б). ДПЗ-180 русумли аррали жин учун.

**1-расм. Аррали жинларни шартли зоналарини тақсимлашнинг ҳисоблаш схемаси**

Аррали цилиндрнинг ҳаракати электр двигател ва илашиш муфтасидан келиб чиқади. 5ДП-130 аррали цилиндр электр двигатели билан массаси ДПЗ-180 аррали цилиндри электр двигатели билан массасига деярли тенг. Шунинг учун дифференциал тенглама системасини қуйидагича белгилаш мумкин:

$$\begin{aligned} M_{\text{ю}} &= 2M_R\omega_c - 2M_k r \dot{\varphi}_y - \omega_c S_k M_{\text{ю}} \\ J_{\text{кел}} \ddot{\varphi}_{\text{ц}} &= M_{\text{ю}} - M_{\text{ц}} \end{aligned} \quad (1)$$

Бу ерда,  $M_{\text{ю}}$ -электр двигател буровчимоменти,  $M_k$ -моментнинг критик қиймати,  $R$ - жуфт кутблар сони,  $\omega_c$ - энергия манбаси ўзгаришини бурчак частотаси,  $S_k$ -двигателни сирпаниш коэффициенти,  $J_{\text{кел}}$ - электр двигател ва аррали цилиндрни келтирилган инерция моменти,  $\ddot{\varphi}_{\text{ц}}$ -аррали цилиндрнинг бурчак тезлиги.


Хом ашё валиги ҳар бир қисмининг инерция моментларининг қийматлари қуйидагича аниқланади:

1. 5ДП-130 русумли аррали жин учун:

$$\mathfrak{S}_1 = 502.4 \rho_1 (h_{\text{п}} + h_{\text{пр}}) \cdot D_1''; \quad (2)$$

2. ДПЗ-180 русумли аррали жин учун:

$$\mathfrak{S}_1 = 502.4 \rho_1 \cdot D_1'' (h_{\text{п}} + h_{\text{пр}}) \cdot D_1''; \quad (3)$$



1- ишчи камера, 2- чигит тароғи,  
3- колосникли панжара, 4- аррали цилиндр.

**2-расм. Аррали жиннинг ишчи камерасидаги аррали цилиндрнинг колосникдан чиқиш зонаси схемаси**

бу ерда,  $\rho_1, \rho_2, \dots, \rho_{13}$  ва  $\rho'_1, \rho'_2, \dots, \rho'_9$  - мос холда хар бир зона хом ашё валигининг зичлиги;  $h_{п}, h_{пр}$  - арра ва арра оралик кистирмаларни қалинлиги;  $D''_1, D''_2, \dots, D''_{13}$  ва  $D''_1, D''_2, \dots, D''_9$  - хар бир зона хом ашё валигининг ўртача диаметри.

2-расмда кўрсатилган чизмада хом ашё валиги билан таъсирланаётган арра қисмининг ҳажми ҳамда уларнинг 5ДП-130 жин учун қаршилиқ кучларини аниқлаймиз:

$$\begin{aligned} M_{01} + M_{21} &= A(f_{01}K_{01} + f_{21}K_{21})\delta_1; \\ M_{12} + M_{32} &= A(f_{12}K_{12} + f_{32}K_{32})\delta_2; \end{aligned} \quad (4).$$

ДПЗ-180 жини учун:

$$\begin{aligned} M'_{01} + M'_{21} &= A'(f'_{01}K'_{01} + f'_{21}K'_{21})\delta'_1; \\ M'_{01} + M'_{21} &= A'(f'_{12}K'_{12} + f'_{32}K'_{32})\delta'_2; \end{aligned} \quad (5).$$

$$(4) \text{ ва } (5) \text{ формулаларда } A = A' = 10R^{3/2} \left( h_{п} + h_{пр} \right) \left( \frac{\pi\alpha}{360^\circ} - \frac{1}{2} \sin\alpha \right)$$

Лагранжнинг 2-чи тартибли формуласидан хом ашё валиги хар бир қисмининг харакатини аниқлаймиз:

5ДП-130 русумли аррали жин учун:

$$\begin{aligned} 160\pi\rho_1 (h_{п} + h_{пр}) D''_1 \ddot{\varphi} &= \frac{M_{13}}{13} - A(f_{01}K_{01} + f_{21}K_{21})\delta_1; \\ 160\pi\rho_2 (h_{п} + h_{пр}) D''_2 \ddot{\varphi} &= \frac{M_{13}}{13} - A(f_{12}K_{12} + f_{32}K_{32})\delta_2; \end{aligned} \quad (6)$$

ДПЗ-180 русумли аррали жин учун:

$$\begin{aligned} 160\pi\rho'_1 (h_{п} + h_{пр}) D''_1 \ddot{\varphi}' &= \frac{M_{13}}{9} - A'(f'_{01}K'_{01} + f'_{21}K'_{21})\delta'_1; \\ 160\pi\rho'_2 (h_{п} + h_{пр}) D''_2 \ddot{\varphi}' &= \frac{M_{13}}{9} - A'(f'_{12}K'_{12} + f'_{32}K'_{32})\delta'_2; \end{aligned} \quad (7)$$

5ДП-130 ва ДПЗ-180 русумли таққосланган аррали жинлар учун хом ашё валигининг ўзаро харакати рақамли қийматларининг ечимлари, графиклари қурилди.


3-расмда аррали жиннинг хом ашё валиги қисмлари бурчак тезлиги, зичликлари фарқи ва уларнинг боғланиш графиклари келтирилган.

Шуни таъкидлаш жойизки, пахта хом ашёсининг ўртача зичлиги ортиши билан қисмларнинг бурчак тезлиги камаяди ва хом ашё валигини аррали цилиндр билан айлантириш кучи ортади. Бунда буровчи момент ортади, бурчак тезлик камаяди (3-расм). Агар хом ашё валиги қисмлари зичлигидаги фарқлар камайса, бурчак тезликлари орасидаги фарқ шунга мос равишда камаяди.

Жумладан, зичлик фарқи  $10 \text{ kg/m}^3$  гача бўлса, бурчак тезликлари  $\dot{\varphi}_1$  ва  $\dot{\varphi}_7$  1 ва 7 қисмлар орасидаги фарқ фақат  $3.7 \cdot 10^{-1} \text{ s}^{-1}$  ни ташкил этади. Яъни, қисмлардаги зичликларни яқинлаштириш бурчак тезликларини барқарорлаштириш учун муҳим аҳамиятга эга. Зичлиги  $320 \text{ kg/m}^3$   $\Delta\rho = 10 \text{ kg/m}^3$  билан  $\dot{\varphi}_1$  ва  $\dot{\varphi}_7$  ўртасидаги фарқ  $3.3 \text{ s}^{-1}$  гача камаяди.

Ўртача зичлик  $330 \text{ kg/m}^3$  гача ошганида  $\Delta\rho = 10 \text{ kg/m}^3$  холатида  $\Delta\dot{\varphi}_{1,7}$  7 нинг қиймати  $3.0 \text{ s}^{-1}$  гача камайиши кузатилди. Демак, хом ашё валигининг қисмларидаги бурчакли тезликларни барқарорлаштириш учун, яъни аррали цилиндрнинг бутун узунлиги бўйлаб бир текис жинлаш жараёни учун мос

равишда хом ашё валигининг қисмлари орасидаги зичлик ҳам бир текис бўлиши керак.  $320 \text{ kg/m}^3$  га тенг ўртача зичликдаги тадқиқотлар натижаларига кўра хом ашё валиги қисмлари орасидаги максимал фарқ  $30 \text{ kg/m}^3$  дан ошмаслигини таъминлаш учун бурчак тезликлари орасидаги фарқ  $0.85 \text{ s}^{-1}$  дан ошмаслиги кераклиги аниқланди (3-расм).



$$1 - \Delta\rho = 10 \frac{\text{kg}}{\text{m}^3}; 2 - \Delta\rho = 20 \frac{\text{kg}}{\text{m}^3};$$

$$3 - \Delta\rho = 30 \frac{\text{kg}}{\text{m}^3};$$



$$4 - \Delta\rho = 40 \frac{\text{kg}}{\text{m}^3} \text{ а} - \rho_{\text{ўр}} = 310 \frac{\text{kg}}{\text{m}^3}$$

$$1 - \Delta\rho = 10 \frac{\text{kg}}{\text{m}^3}; 2 - \Delta\rho = 20 \frac{\text{kg}}{\text{m}^3};$$

$$3 - \Delta\rho = 30 \frac{\text{kg}}{\text{m}^3};$$

$$4 - \Delta\rho = 40 \frac{\text{kg}}{\text{m}^3} \text{ в} - \rho_{\text{ўр}} = 330 \frac{\text{kg}}{\text{m}^3}$$

**3-расм. 5ДП-130 аррали жиннинг хом ашё валиги қисмларини, уларнинг бурчак тезликлари орасидаги ва зичликлари фарқлари орасидаги боғланиш графиклари**



$$1 - \Delta\rho' = 10 \frac{\text{kg}}{\text{m}^3};$$

$$2 - \Delta\rho' = 20 \frac{\text{kg}}{\text{m}^3};$$

$$3 - \Delta\rho' = 30 \frac{\text{kg}}{\text{m}^3}; 4 - \Delta\rho' = 40 \frac{\text{kg}}{\text{m}^3}$$

$$\text{а} - \rho'_{\text{ўр}} = 310 \frac{\text{kg}}{\text{m}^3}$$

$$1 - \Delta\rho = 10 \frac{\text{kg}}{\text{m}^3};$$

$$2 - \Delta\rho = 20 \frac{\text{kg}}{\text{m}^3};$$


$$3 - \Delta\rho = 30 \frac{\text{kg}}{\text{m}^3}; 4 - \Delta\rho = 40 \frac{\text{kg}}{\text{m}^3}$$

$$\text{в} - \rho_{\text{ўр}} = 330 \frac{\text{kg}}{\text{m}^3}$$

**4-расм. ДПЗ-180 аррали жиннинг хом ашё валиги қисмларининг ўзаро боғланиш графиклари, уларнинг бурчак тезликлари орасидаги ва зичликлари орасидаги фарқлар**

ДПЗ-180 аррали жиндаги хом ашё валиги 9 қисмдан иборат бўлиб, уларнинг ўзаро зичликларидаги фарқлар ҳамда бурчак тезликлари энг кичикдир. 4-расмда ДПЗ-180 аррали жиннинг хом ашё валиги қисмлари бурчак тезликларининг ўзгариши ва уларнинг зичлик фарқлари бўйича ўзаро боғланиш графиклари кўрсатилган.

Шуни таъкидлаш керакки, ДПЗ-180 жинидаги хом ашё валиги қисмларзичлигининг ўзаро максимал қиймати  $40 \text{ kg/m}^3$  бўлганда,  $\rho_{\text{ўр}} = 300 \frac{\text{kg}}{\text{m}^3}$  бўлганда  $\dot{\phi}'_1$  ва  $\dot{\phi}'_5$  қийматлари орасидаги максимал фарқ  $\Delta\dot{\phi}_{15} = 0,63 \text{ s}^{-1}$  га камаяди. Чунки, хом ашё валигининг зичлиги ошгани сари, унинг айланишиқийинлашади ва қисмларнинг бурчак тезлиги камаяди (4-расм). Хом ашё валиги қисмлари ўртасидаги фарқ  $10 \text{ kg/m}^3$  гача камайганда, унинг айланиши барқарорлашади, бунда қачон  $\rho_{\text{ср}} = 300 \text{ kg/m}^3$  га тенг бўлса,  $\Delta\dot{\phi}'_{15} = \dot{\phi}'_5 - \dot{\phi}'_1$  нинг қиймати  $0,23 \text{ s}^{-1}$  гача камаяди.  $330 \text{ kg/m}^3$  га тенг ўртача зичликда  $\Delta\dot{\phi}'_{15}$  нинг қиймати  $0,21 \text{ s}^{-1}$  гача камаяди. ДПЗ-180 арраларида ўтказилган синовлар натижаларига кўра, ўртача зичлиги  $325 \text{ kg/m}^3$  ва  $\Delta\rho = 15 \text{ kg/m}^3$ . Асосан  $\dot{\phi}_1 = 14,2 \text{ s}^{-1}$ ,  $\dot{\phi}_5 = 14,4 \text{ s}^{-1}$  графиклардан кўринадикки, яъни қачон қисмлар ўртасидаги фарқ  $\Delta\dot{\phi}_{15}$   $0,2 \text{ s}^{-1}$  га тенг бўлганида, ўртача зичлиги  $325 \text{ kg/m}^3$  ва қисмлар орасидаги фарқ  $15 \text{ kg/m}^3$  ни ташкил этади (4-расм).



1 –  $\Delta\dot{\phi}_{\text{тех}} = f(\rho_{\text{ўр}}) - 5\text{ДП} - 130$  учун

2 –  $\Delta\dot{\phi}_{\text{тех}} = f(\rho_{\text{ўр}}) - \text{ДПЗ} - 180$  учун

**5-расм. Хом ашё валиги ўртача зичлигини қисмларнинг максимал бурчак тезлигига ва уларнинг ҳаракатига боғлиқлик графиклари**

5-расмдан ДПЗ-180 аррали жин хом ашё валигининг ўртача зичлиги ортиши билан  $13.8 \text{ s}^{-1}$  нинг  $11.76 \text{ s}^{-1}$  қисмларнинг бурчак тезлигидаги максимал фарқларнинг  $13.8 \text{ s}^{-1}$ дан  $11.76 \text{ s}^{-1}$  гача ночизикли камайиш қонунини кўриш мумкин. Шунинг учун  $295 \text{ kg/m}^3$  дан  $335 \text{ kg/m}^3$  гача қийматларни ортиб бориши билан қиймати  $\Delta\dot{\phi}_{1,7}$  нинг  $17.64 \text{ s}^{-1}$  дан  $126.5 \text{ s}^{-1}$  гача ночизикли қонун бўйича камаяди. Демак, ДПЗ-180 аррали жинларда хом ашё валигининг ўртача айланиш тезлиги аниқланиб, у 5ДП-130 аррали жинларга нисбатан  $(2.0-2.2) \text{ s}^{-1}$  га кўп экан. Бу эса ўз


навбатида пахтанинг бир текис жинланиш жараёнини таъминлайди.

Диссертациянинг учинчи “Аррали жинларни конструкциясини тола ажратиш жараёнига таъсирини ўрганиш бўйича тажриба ва изланишлар” бобида экспериментал тадқиқотлар ўтказиш учун махсус ишлаб чиқилган усуллар, шунингдек, аррали жиннинг параметрлари ва иш режимларини аниқлаш учун экспериментал тадқиқотлар натижалари баён этилган.


Ишлаб чиқариш шароитида 130 ва 90 аррали жинларда ўтказилган тажриба натижалари 6-расмда кўрсатилган.

Кўриниб турибдики, 90 арралик жиндан олинган толада нуқсон ва ифлос аралашмалар миқдори 130 аррали жинга нисбатан 0.21 % (абс) кам, чигитни тўлиқ тукдорлиги ва ундаги қолдиқ ифлослик эса, мос равишда 0.2 % (абс) ва 0.04 % (абс)га кам.


7 ва 8-расмлар иккала вариантда хом ашё жин ишчи камераси узунлиги бўйлаб жинланган чигитни тўлиқ тукдорлиги ва қолдиқ толадорлиги нотекис тақсимланган. Лекин 90 аррали жинда жинланган чигитнинг тўлиқ тукланганлигини нотекислиги 130 аррали жинга нисбатан анча кам. Унда чигитни тўлиқ тукдорлигини ишчи камера узунлиги бўйича ўртача



6-расм. 5ДП-130 ва ДПЗ-180 аррали жиндан кейин толадаги нуқсон ва ифлос аралашмалар миқдори




7-расм. 5ДП-130 ва ДПЗ-180 аррали жин ишчи камераси бўйлаб чигит тукдорлигини тақсимланиши



1-5ДП-130; 2-ДПЗ-180

**8-расм. Жинлаш зоналари бўйича қолдиқ толадорликни бир хиллиги қийматидан четланиши 2.6 % ни ташкил этади. (130 аррала жинда 5.13 %). Олинган натижаларни статистик қайта ишлаб ўртача қиймат ва**



1- жиннинг тола бўйича иш унумдорлиги, kg/sawh; 2- толадаги нуқсондорлик ва ифлос аралашмалар улуши, %; 3- чигитларнинг шикастланиши, %; 4- чигит тукдорлиги, %; А- аррала цилиндрнинг колосникдан чиқиб туриши, 46 mm; Б- аррала цилиндрнинг колосникдан чиқиб туриши, 48 mm; В- аррала цилиндрнинг колосникдан чиқиб туриши, 50 mm; Г- аррала цилиндрнинг колосникдан чиқиб туриши, 52mm;

**9-расм. Аррала цилиндрнинг колосникдан чиқиб туриш масофасининг жинлаш жараёнига таъсирини ўрганиш гистограммаси**


уларни дисперсияларини қиёсий тахлил қилиш натижасида 90 аррали жинда олинган толада нуқсон ва ифлос аралашмалар, чигитни тўлиқ тукдорлиги ва қолдиқ толадорлиги миқдорининг 130 аррали жинга нисбатан аҳамиятли даражада фарқ қилиниши аниқланди.

9-10-расмларда аррали аррали цилиндрни колосникдан чиқиб туриш ва цилиндр билан ҳаво камераси орасидаги оралиқ масофасини жинлашни асосий кўрсаткичларига таъсири келтирилган.


9-расмни тахлили қуйидагиларни кўрсатади, арра 46 mm колосник устидан чиққанда, иш унумдорлигиарра соатига 10.9 kg, арра 52 mm колосник устидан чиққанда эса унумдорлик соатига 0,6 kg га ортади ва 11.5 kg ни ташкил қилади. Худди шундай ҳолат жиндан кейин толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмаларининг массавий улуши билан кузатилади: 46 mm да - 2.0 %, 52 mm да эса-2.18 %. Асосан толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмаларининг массавий улуши, синиқ чигит ва чигит қобиқлик толани кўпайиши туфайли ортади ва бу ўз навбатида жинланган чигитларнинг механик шикастланиши ортиши билан боғлиқ.

Колосниклар устидан арраларни 46 mm ли чиқишида жинлангандан кейин чигитларнинг қолдиқ тукдорлиги 11.1 % ни, 52 mm ли колосниклар устидан арраларни чиқишида эса 0.4 % га камаяди ва 10.7 % ни ташкил қилади. Демак, аррани ишчи камерасига 52 mm ли чиқишида аррани ишчи камерасига 46 mm ли чиқишига нисбатан чигитда камроқ йигирув толалари қолади. Экспериментал тадқиқотлар аррали жинининг ишчи камерасида арранинг колосникдан 47-50 mm ли чиқиб туришини нормал ишлашини таъминловчи тавсия этилган чиқишини тасдиқлайди. Ишчи камерага арранинг 47 mm дан кам чиқиши чигитни ишчи камерадан чиқишини қийинлаштиради, хом ашё валиги кўпроқ сиқилади ва жинлаш жараёни бузилади.

10-расмдан кўриниб турибдики, аррали цилиндр ва ҳаво камераси ўртасидаги оралиқ кенгайиши жин ускунасини тола бўйича иш унумдорлиги ва толадаги нуқсон ҳамда ифлос аралашмалар миқдорига сезиларли таъсир этар экан.



А)



В)

А-иш унумдорлиги; В-нуқсонлар ва ифлос аралашмаларининг массавий улуши.

**10- расм. Аррали цилиндр билан ҳаво камераси соплоси орасидаги масофанинг ишлаш кўрсаткичларига ва нуқсонлар ҳамда ифлос аралашмаларининг массавий улушига таъсири**




Улар ўртасидаги боғланишни характерловчи регрессия тенгламалари олинди. Иш унумдорлиги бўйича:

$$y_1 = 0.2x^2 - 1.9x + 13.9, \quad (8)$$

толадаги ифлос ва нуқсон аралашмалари бўйича:

$$y_2 = 0.025x^2 + 0.025x + 1.98, \quad (9)$$

Диссертациянинг тўртинчи “Ишлаб чиқариш шароитида тажриба экспериментал изланишлар ўтказиш ва такомиллаштириш йўллари ҳамда иқтисодий самарадорлик” бобида олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида тавсия этилган технологияга асосланиб, янги жиннинг конструкцияси ишлаб чиқилди (11-расм).



11-расм. Ишлаб чиқилган ДПЗ-180 русумли жиннинг умумий кўриниши ва кесими схемаси

ДПЗ-180 жинининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Яъни икки аррали цилиндрдан иборат бўлган мазкур жиннинг, ҳар бир бўлимини мустақил равишда ишлатиш мумкин. Пахта тозалаш корхонасининг пахтани жинлаш бўлимида бир қаторида икки дона ДПЗ-180 русумли жин қўйилишини инобатга олсак, у тўртта бўлимдан иборат бўлади. Аррали цилиндрни алмаштирилганда ёки бошқа бир сабабга кўра тўхтаганда, корхонанинг ишлаш қуввати фақатгина 25 % га (5ДП-130 русумли жинда 50 % га) камаяди. Шунинг эвазига корхонанинг иш унуми кескин ошади.

Буларнинг барчаси, пахта хом ашёсини дастлабки ишлашда иш унумдорлигининг ошишига хизмат қилади. Жинларни йиғиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни осонлаштиради.

Янги ДПЗ-180 жинининг моҳияти 7-расм асосида тушинтирилади. Жин икки таъминлагич-тозалагичлар, хом ашё камераси 2 колосникли панжара 3 ва чигит тароғи 4, аррали цилиндр 5, толани ажратиш қурилмаси 6 ва ажратилган ифлослик ва ўликни олиб кетиш механизми 7 ва 8 дан иборат. Иккита автоном қисмлар 7 ва 8 рама 9 да ўрнатилган.

Жин 6ДП-210 дан фарқли ўлароқ, ДПЗ-180 таъминлагич-тозалагич 1, хом ашё камераси 2, колосникли панжара 3 ва чигит тароғи 4, аррали цилиндр 5, толани ажратиш қурилмаси 6, икки автоном қисмлари узунлиги

бўйлаб бир-бирига ўхшаш йиғилган иккита мустақил қисмлари 7 ва 8 ни ташкил этадиган рама 9 да ўрнатилган.

Бунда жиннинг 7 ва 8 қисмларининг ҳар бири индивидуал 10, 11, 12 ва 13 (аррали цилиндрлар) юритмалар ва бошқарув механизмлари, масалан чигит тароқлари 4 билан жиҳозланган.

Жиндан ажралган ифлослик ва ўликни олиб кетиш учун механизмлар 14 ва 15 хизмат қилади.

Таъминлагич-тозалагич 1 остида жинни пахта хом ашёси билан юклаш учун шахта 16 ўрнатилган, бўлгич 17 ёрдамида икки бўлакка узунлиги бўйлаб бўлинган. Жиннинг 7 ва 8 қисмларининг ҳар бири алоҳида тола тозалагичга уланган (11-расмда кўрсатилмаган). Жинланган чигитларни олиб кетиш амалдаги 5ДП-130 русумли жиндаги каби механизмлар билан амалга оширилади.

Юқорида баён этилган ДПЗ-180 жини қуйидагича ишлайди. Пахта хом ашёси тақсимловчи винтли конвеер орқали шахта 16 га юкланади. ДПЗ-180 жинида шахта 16 нинг биринчи бўлими пахта хом ашёси билан тўлдирилади. Тугаллангач, жиннинг биринчи қисми 7 ишга туширилади. Шу билан бирга таъминлагич-тозалагич 1 даги пахта юмшатилади, ифлосликлардан тозаланади ва бир текис оқимда хом ашё камераси 2 га киради, у ерда жинланади. Аррали цилиндр 5 билан камера 2 дан ташқарига чиқарилган тола қурилмаб томонидан чиқарилади ва тола тозалагичга юборилади (11-расмда кўрсатилмаган). Толалари олинган чигитлар камера 2 дан чигит тароқ 4 орқали пастга тушади ва кейинги ишлов бериш учун йўналтирилади. Таъминлагич-тозалагич 1 томонидан ажратиб олинган ифлос аралашмалари 14 механизми билан, толадан ажратилган ўлик ва нуқсонлар эса механизм 15 билан олиб кетилади.


Шахта 16 нинг биринчи бўлмасини тўлдиргандан сўнг пахта хом ашёси биринчи бўлимга параллел равишда иккинчи бўлимга ҳам киради. Шахта 16 нинг иккинчи бўлими пахта билан тўлгач, жиннинг иккинчи қисми 8 ишга туширилади. Пахтани жиннинг иккинчи қисмида 8 дастлабки ишлаш биринчи қисми 7 даги билан бир хил. Шундай қилиб, қисмларнинг фақат биттаси ишлаётганда жин иш унумдорлигининг 50 %и таъминланади, иккала қисм ҳам ишлаётганда-100 %.

Таклиф этилган схемани ҳисобга олган ҳолда унинг асосий параметрлари ва иш режимини асослаш мақсадида жиннинг технологик жараёнини ўрганиш режалаштирилди.


"Хайробод пахта тозалаш" АЖ технологик жараёнида "Наманган-77" ва "Денов" селекцияларининг 1/1 ва 5/3 саноат навлари бўйича ДПЗ-180 ва 5ДП-130 русумли арра жинларининг солиштирма синовлари ўтказилди. "Денов" селекцион навининг 5/3 саноат навлари учун солиштирма синовлар натижаларига кўра, ДПЗ-180 жинининг иш унумдорлиги 7.1 kg/saw/h, 5ДП-130 да эса 5.9 kg/saw/h, нуқсонлар ва ифлос аралашмаларининг массавий улуши эса 4.89 % га юқори бўлиб, таҳлил шуни кўрсатдики, ДПЗ-180 да ўтказилгандан кейин чигитнинг механик шикастланганлиги

1.6 %га толадаги синиқ чигит ҳамда чигит қобиклик тола улуши 5ДП-130 га нисбатан 2.28 %га кам. 5ДП-130 русумли жинда ишлаб чиқарилган тола таркибида мураккаб чигаллашган тола улуши 5-саноат навига 0.2 %га, 1-саноат навига 0.05 %га ДПЗ-180 русумли жинига нисбатан кўплигининг сабаби аррали цилиндрдан ҳаво камерасида толани тўлиқ ажратиб олинмасдан арра тишида қолиб, ишчи камерага қайтиб кириши ҳисобига содир бўлади.

Аррали цилиндр арралар сони ва жин шахтаси узунлигининг жинлашни технологик кўрсаткичларига ўзаро боғлиқлик графиклари 12-расмда кўрсатилган.



а-иш унумдорлиги



б-нуксонлар ва ифлос аралашмаларнинг масса улуши, с-чигитнинг тукдорлиги

**12-расм. Аррали цилиндр арралар сони ва жин шахтаси узунлигининг жинлашни технологик кўрсаткичларига таъсири**

Қиёсий тажрибалар натижалари 1-саноат навидан фойдаланганда ДПЗ-180 жинида 1000 kg тола ишлаб чиқариш учун электр энергияси сарфи 34.2 kWt/h, 5-саноат навидан фойдаланганда эса 59.4 kWt/h, 5ДП-130 жинида эса мос равишда электр энергияси сарфи 48.6 kWt/h ва 78.3 kWt/h, 1-саноат навига ишлов беришда 14.4 kWt/h ва 5-саноат навида 18.9 kWt/h кўп электр энергия сарфланиши аниқланди.

Толанинг йигириш ва технологик синовлари ДПЗ-180 русумли жиндан кейин олинган битта толали ипнинг 5ДП-130 русумли жинга нисбатан солиштирама узилиш юки 10.6 дан 11 gf/tex гача ошишини кўрсатди. Намуналарни кичик намуналар билан синаш натижаларига кўра, якка ипларнинг ўзига хос узилиш юки, ипнинг узилиши, шунингдек ипнинг тикилиб қолиши бўйича ДПЗ-180 русумли жиндан кейин олинган толанинг тажрибалари натижалари энг яхши деб ҳисобланиши мумкин. ДПЗ-180 дан кейин толадаги қалта тола миқдори 1.97 %га кам бўлиб, толанинг ўртача узунлиги 5ДП-130 русумли жинга нисбатан 0.9 mm узундир.

5ДП-130 русумли жин ўрнига саноатга ДПЗ-180 русумли жинини жорий этишдан олинган иқтисодий самарадорлик йилига битта расмий пахта тозалаш корхонаси учун 644516,0 минг сўмни ташкил этади.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР ВА ТАВСИЯЛАР:

1. Хом ашё валигини қисмларга бўлиб ҳаракатланиши ҳисобланган схемалари аррали цилиндр, электр двигател, хом ашё валиги узунлиги, зичлик тақсимоти, арраларни колосникдан чиқиши, ишқаланиш кучлари ҳамда камеранинг геометрик параметрларини ҳисобга олган ҳолда қурилди. Хом ашё валиги қисмлари ҳаракатининг математик моделини белгиловчи аналитик функционал тенгламалар олинди.

2. Зичлик фарқини ДПЗ-180 аррали жинлардаги хом ашё валиги қисмларидаги бурчак тезлигининг ўзгариши билан боғлайдиган ўртача зичлик қиймати учун графиклар қурилди. Ўртача зичликнинг максимал бурчак кўчишига (қисмига) ҳам хом ашё валиги муносабатининг графиклари қурилди. ДПЗ-180 аррали жиннинг 5ДП-130 аррали жиннинг ўртача айланишидан (2.0-2.2)  $s^{-1}$  га ортиқ бўлган хом ашё валиги қисмлари ҳаракатининг ўртача тезликлари аниқланди. Бу ўз навбатида жинлаш жараёнини барқарорлаштиради ва тезлаштиради.

3. ДПЗ-180 жини арраларида хом ашё валигининг туташган қисмларининг ўзаро бурчак кўчишини зичликка боғлиқлик графиклари қурилди.  $\rho=315 \text{ kg/m}^3$  бўлганда хом ашё валигининг ўрта қисмларида ўзаро ҳаракат  $4.8^0$  га етади. Шундай қилиб, тавсия этилган аррали жин ДПЗ-180 да бурчак силжиши қўшни бирликлари 5ДП-130 жинига нисбатан ўртача ( $5.0^0-5.5^0$ ) га кам ва чекка қисмларида камида ( $15^0-20^0$ ) камайиши аниқланди.

4. Аррали цилиндр ва ҳаво камераси соплоси орасидаги тавсия этилган масофа 1-2 mm ва жиннинг таъминловгичининг хом ашё шахтасининг узунлиги 1600 mm, аррали цилиндрда арралар сони 90 дона ва ундан кам бўлиши асосланди.

5. Пахта хом ашёсининг 1-саноат навидан фойдаланганда ДПЗ-180 жинида 1000 kg тола ишлаб чиқариш учун электр энергия сарфи 34,2 kWt/h, 5-саноат навидан фойдаланганда эса 59,4 kWt/h, 5ДП-130 жинида электр энергия сарфи эса 48,6 ва 78,3 kWt/h, мос равишда 1-саноат навини дастлабки ишлашда 14,4 kWt/h га ва 5-саноат навида 18,9 kWt/h га кўпроқ эканлиги аниқланди.

6. Пахтани биринчи саноат навини дастлабки ишлашда ДПЗ-180 русумли аррали жиннинг иш унумдорлиги 12.2 kg/saw/h ёки машинага ҳисоблаганда 2196 kg/mash/h тола, 5ДП-130 русумли жинда эса бу кўрсаткичлар мос равишда 11.2 kg/saw/h ва 1456 kg/mash/h ни ташкил этади.

7. Толалар навлари бўйича нуқсонлар ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши ўртача 0.43% ва жинланган чигитнинг қолдиқ тукдорлик 0.2 % ДПЗ-180 да 5ДП-130 га нисбатан камаяди, лекин ДПЗ-180 да 5ДП-130 га нисбатан олинадиган толанинг штапелмассаузунлиги 0,1-0,5 mm га узунроқ эканлиги аниқланди.

8. 5ДП-130 русумли жин ўрнига саноатга ДПЗ-180 русумли жинини жорий этишдан олинадиган иқтисодий самара йилига битта расмий пахта тозалаш корхонасига 644516,0 минг сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.06.2020.Т.115.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ДЖИЗАКСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

---

**АО «ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ»**

**САБИРОВ ИСЛОМ КАХРАМОНОВИЧ**

**РАЗРАБОТКА ЭФФЕКТИВНОГО ПРОЦЕССА ПИЛЬНОГО  
ДЖИНИРОВАНИЯ ХЛОПКА-СЫРЦА**

**05.06.02 - Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.3.PhD/T1346.

Диссертация выполнена в акционерном обществе «Paxtasanoat ilmiy markazi».

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Ташкентского института текстильной и легкой промышленности ([www.jizpi.uz](http://www.jizpi.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

Научный руководитель:	Сулаймонов Рустам Шенникович доктор технических наук, старший научный сотрудник
Официальные оппоненты:	Мухаммадиев Давлат Мустафаевич доктор технических наук, профессор  Дониёров Бектош Баходирович кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	Наманганский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится «15» июля 2021 года в 10-00 часов на заседании Научного совета PhD.03/30.06.2020.T.115.01 при Джизакский политехнический институт по адресу: 130100., г. Жиззах, ул. И.Каримов шох-4, Административное здание Джизакский политехнический институт, 1-этаж, малый коференц-зал. Тел.: (372) 226-46-05, факс: (372) 226-45-47; e-mail: [dgpi\\_info@edu.uz](mailto:dgpi_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Джизакский политехнический институт (зарегистрирована под № 3). Адрес: 130100., г. Жиззах, ул. И.Каримов шох-4. Тел.: (372) 226-46-05, факс: (372) 226-45-47.

Автореферат диссертации разослан «29» июля 2021 года.  
(Реестр протокола рассылки № 3 от «18» 06 2021 года).



**А.Усманкулов**  
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**Н.Аббазов**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.т.н., доцент

**А.Парпиев**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Основным сырьём для текстильной промышленности в мире является хлопковое волокно. Если учесть, что согласно данным «Международного консультативного комитета по хлопку (ICAC)» в последние годы в мире вырабатывается около 23,0 млн. тонн хлопкового волокна, а его потребность составляет 24,6 млн. тонн., то это предусматривает внедрение в практику машин вырабатывающих качественное волокно от выращенного хлопка-сырца. В этой связи применение при производстве волокна высококачественным и энерго-ресурсосберегающих технических средств и устройств считается имеющим важное значение.

В мире проводятся научно-исследовательские работы направленные на выработку новых научно-технических решений ресурсосберегающих технологий и технических средств по выработке волокна в процессе джинирования. При этом отдельное внимание уделяется обоснованию разработки энерго-ресурсосберегающих машин осуществляющих выработку волокна, а также его технологических процессов, параметров и рабочих режимов.

В нашей республике проведением многоплановых мероприятий по разработке ресурсосберегающей техники и технологий позволяющих сокращение потребления энергии, экономии ресурсов потерь волокна в процессе выработки волокна, достигнуты определенные результаты.

В «Стратегии развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» в частности определены важнейшие задачи по «...повышению конкурентоспособности национальной экономики, уменьшению расходов энергии и ресурсов, широкому внедрению энергосберегающих технологий...». В реализации этих задач важное значение при этом имеет разработка технически и технологически модернизированных машин снижающих потери волокна в процессе выработки волокна.

